



№ 6823-7561-e435-1704-7131-1437-6123  
Хужжат яратилинган сана: 2022-01-16  
Ариза рақами: 44806416

Хужжат берилган: YUSUPOV FARXOD MAMARASUL  
O'G'LΙ  
Кабул қилувчининг идентификация рақами: 506782742

**Юридик шахслар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳисобга қўйилган маълумотлари  
билиан танишиш  
ҚАЙД ВАРАФИ**

Умумий маълумот	
СТИР	303984934
Рўйхатдан ўтказувчи орган	Кашкадаръинская область, Каршинский район, Центр О
Рўйхатга олинган сана	30052016
Рўйхатдан ўтқазилган рақами	188
Юридик шахснинг номи	"BEGZOD DIZAYN INVEST" MAS`ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
КТУТ (корхона, ташкилотнинг асосий коди)	26229119
TXSH коди	152 - Mas'uliyati cheklangan yoki qo'shimcha mas'uliyatli jamiyat
Мулкчилик шакли	142 - Xo'jalik jamiyatlari(mas'uliyati cheklangan yoki qo'shimcha mas'uliyatli jamiyatlar) mulki
ИФУТ коди (Амалга оширилаётган фаолият тур(лар)и)	41202 - YAashash uchun mo'ljallanmagan binolar qurish
ДБИБТ коди	79994 - Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари таркибига кирмаган тадбиркорлик субъектлари
Кичик тадбиркорлик субъектларига тегишлилиги	На
Устав фонди	6 000 000.00 UZS
Бошқарувчи ҳақида маълумот	
Раҳбарнинг Ф.И.О.	BEGZOD SHEROV XOLMAMATOVICH
Раҳбарнинг СТИР	489372303

**Таъсисчилар ва уларнинг устав фондидаги улуши ҳақида маълумотлар**

Таъсисчининг номи	Устав фондига оғажи
SHROV BEKZOD XOLMAMATOVICH	100.00

**Контакт маълумотлари**

Электрон почта манзили	
Телефон	943363510
МХОБТ коди	1710224847 - Qovchin QFY
Манзил	180100 QOVCHIN QFY QOVCHIN QISHLOG`I

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Узбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун [hero.gov.uz](http://hero.gov.uz) веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъяни тақиқланган.

1626



Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси маҳсус ахборот парталида энг яхши таклифларни танлаш юзасидан жойлаштирилган 30.06.2022 йилги №22110012116357 лот рақамли танлов ўтқазиш тўғрисидаги эълон натижаси бўйича

**ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ**  
(ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ БЎЙЧА)

№ 6354/2022 сон

2022 йил «15» Июль

Қарши туман "BEGZOD DIZAYN INVEST" МЧНJ номидан Низом асосида иш юритувчи рахбари Б. Шеров бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган Қарши ихтисослаштирилган санъат мактаби номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиги Д. Мадиев иккинчи томондан, "O'zbekiston respublikasi qurilish vazirligi «shaharsozlik hujjatlari ekspertrizasi» davlat unitar korxonasi" томонидан 29.06.2022 йилги № 49076 сонли жамланма экспертиза хulosаси билан тасдиқланган лойиха смета хужжатларига асосан Қарши ихтисослаштирилган санъат мактаби жорий таъмирлашга (смета хужжатларида назарда тутилган ишлар хажми миқдорида) доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

**I. Таърифлар**

1. Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

**«иҷро хужжатлари»:** — натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар:

**«қурилиш майдони»:** Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

**«вақтинчалик ишлар»:** Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

**«беркитилган ишлар»:** — сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**шартномани нархини бўлиб чиқиши:** ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

**II. Шартнома мавзуси**

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ: **Қарши ихтисослаштирилган санъат мактаби** жорий таъмирлашга таъмирлаш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига ички йўллар жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.**

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажариладиган электрон танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг электрон шаклланган карори (2022 йил 08 июльдаги электрон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 118 693 931.00 (Бир юз ўн саккиз миллион олти юз тўқсон уч минг тўққиз юз ўттиз бир минг ) сўмни ташкил этади.. Шундан ҚҚС: 15 481 817.09 (ўн беш миллион тўрт юз саксон бир минг саккиз юз саккиз юз ўн етти) сўм 09 тийин. Жорий таъмирлаш ишлари қиймати ва кўпайтиришга енгib

бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда; ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда; объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

4. Жорий таъмирлаш ишлари муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

6. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга «\_\_\_\_\_» иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва саклаш;
- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- қурилиш таваккалчилигини сугурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш; қурилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш; қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш. Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

7. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 % дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

8. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига З иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### **VI. Ишларни бажариш муддати**

9. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро хисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилған ҳолда миллий валютада (сүмда) ўзаро хисоб-китоб килинганды шартнома конун хужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

10. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
11. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан (**кирк**) кунни ташкил этади.
12. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

### VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

13. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% микдорида, аванс ўтказади, бу **35 608 179.00** (ўттиз беш миллион олти юз саккиз минг бир юз етмиш тўққиз ) сўмни ташкил этади.

14. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади

15. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 100% гача доирасида амалга оширилади.

16. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 0%гача микдорида, амалга оширилади:

17. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк хукукини ўзида саклаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

18. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилған мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хақда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилған ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хукуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

### VIII. Ишларни бажариш

19. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини — Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

20. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хукуқига эгадир.

21. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

22. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

23. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

24. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

25. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш түгрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш түгрисидаги хужжатларни беради.
26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш түгрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.
27. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.
28. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.
29. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.
30. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларида, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.
31. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равища хабардор қиласди.
32. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.
33. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.
34. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдифисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишлиарни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар хисобланмайди.
35. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.
36. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқарib ташлайди.
37. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлик тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши

тўгрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.  
Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан кониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қиласи.  
Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

#### **IX. Ишларини қўриқлаш**

38. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган обьект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.  
39. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар обьект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

40. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишида узайтирилади.  
41. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласи.  
42. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **XI. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш**

43. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган обьектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.  
44. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўгрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.  
45. Пудратчи қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма тасдиқлаши керак.  
46. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб обьект Буюртмачининг мулкига айланади.

#### **XII. Кафолатлар**

47. Пудратчи: — барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;  
— лойиха ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;  
— ўзи томонидан қурилиш учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;  
— ишларни қабул қилиш ва обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни; обьектдан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

48. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар курилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камидан бир ой этиб белгиланади.

49. Агар объектдан фойдаланишинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланиши давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади. Агар пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичидан бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳукуқига эга.

50. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш курилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### XIII. Шартномани бекор қилиш

51. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечикирилган холда;
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳукуқига эга.

52. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳукуқига эга.

53. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма карорига кўра тугалланмаган қурилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

54. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

55. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

56. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

57. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

58. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вақтида молияштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун

мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0.02 % миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняниң умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 5 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод этмайди.

59. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0.2 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

60. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.3 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пеняниң умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.2 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняниң умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод этмайди.

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хulosаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 10 фоизи миқдорида ундириш хуқукига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

#### XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### XVI. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади. Шартнома тегишли тартибда Газначиликда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик кучга кириб, 15 июль 2022 йилдан 31 декабрь 2022 йилгacha амалда бўлади

66. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хуқукига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имз оланган бўлса ҳақиқий хисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳак тўлашни кечикиришга ҳақлиdir.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

ПУДРАТЧИ:

Қарши туман "BEGZOD DIZAYN  
INVEST" MCHJ

Манзили: Қарши тумани, ҚОВЧИН ҚФЙ  
төл\факс: +99894-336-35-10.

X\P: 20208000500629732001.

Банк номи: ҚАРШИ ШАХАР "АСАКА" БАНКИ  
(ОАЖ) КАШКАДАРЁ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

МФО: 00194. СТИР: 303984934.

ОКОНХ: 61110

Таъсиечи СТИР: 489372303

БУЮРТМАЧИ:

Қарши ихтиослаштирилган  
санъат мактаби

Манзили: Қарши шахар И.Каримов-57  
төл\факс: +99875 225 10 87

ШХР:100021860104017092100056001

МФО: 00014. Тошкент шахар

Марказий банк


СТИР: 200672038, ОКОНХ: 92120.

Ғазначилик: Уз. Рес. Молия Вазирлиги

Ғазначилиги СТИРи: 201122919.

Ягона ғазна X/P:23402000300100001010

Рахбар: Б. ШЕРОВ



Бхайр



Рахбар: Д. МАДИЕВ

Чареди бу мадданийга саларни олган  
юритуби судъеканеф ғадоелтичес  
шаржиновас ҳуҷуди ҳусле түзрисираги  
Қонукчи ташбебонига мавод беради

Хуқуқшунос

Ш. Орапов

Имзо

ш. Мадиев

